



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLY VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI
QO'QON DAVLAT
PEDAGOGIKA INSTITUTI**



**O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
YOZUVCHILAR UYUSHMASI**

O'ZBEK ADABIYOTSHUNOSLIGINING DOLZARB MASALALARI: MUAMMO VA YECHIMLAR

Respublika onlayn ilmiy-nazariy anjuman materiallari to'plami

Akademik
Aziz Qayumov
tavalludining 95 va
professor Laziz Qayumov
tavalludining 90 yilligiga
bag'ishlanadi

2020-yil
6-7-noyabr

**O‘zbekiston Respublikasi Yozuvchilar uyushmasi
O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligi
Muqimiy nomidagi Qo‘qon davlat pedagogika instituti
Farg‘ona viloyati yozuvchilar uyushmasi
Qo‘qon shahar hokimligi**

**Akademik Aziz Qayumov tavalludining 95 va professor Laziz Qayumov
tavalludining 90 yilligiga bag‘ishlangan „O‘zbek adabiyotshunosligining dolzarb
masalalari: muammo va yechimlar“ mavzusidagi Respublika onlayn ilmiy-nazariy
anjumani materiallari**

2020-yil 6-7-noyabr

Mas’ul muharrir: M.Atadjanov, Qo‘qon DPI rektori

Tahrir hay’ati:

E.Siddiqova , O‘zbekiston xalq shoirasi, senator.

**N.Jabborov, A.Navoiy nomidagi O‘zbek tili va adabiyoti universiteti professori,
filologiya fanlari doktori.**

J.Eshonqul, A.Navoiy nomidagi adabiyot muzeyi direktori.

Z.Qobilova, Qo‘qon DPI O‘zbek tili va adabiyoti fakulteti dekani

D.Zohidova, Qo‘qon DPI o‘zbek adabiyoti kafedراسi mudiri, f.f.n., dotsent

B.Abdurahmonova, Qo‘qon DPI dotsenti, pedagogika fanlari nomzodi

S.Usmonova, Qo‘qon DPI katta o‘qituvchisi

Taqrizchilar:

S.Mirzayeva, AnDU professori, filologiya fanlari doktori.

A.Turdaliyev, filologiya fanlari nomzodi.

Nashrga tayyorlovchi:

D.Asqarov, o‘zbek tili va adabiyoti magistranti

**Ushbu to‘plam Qo‘qon davlat pedagogika instituti ilmiy Kengashining
2020-yil 30-oktabrdagi 3-sonli qarori bilan nashrga tavsiya etilgan.**

**Eslatma: To‘plamga kiritilgan maqolalar shakli va mazmuniga shaxsan
mualliflarning o‘zlari javobgardirlar**

билан боғлаб тасвирлаганини А.Қаюмов ўз тадқиқотларида кўрсатиб ўтган. Яна олимнинг кўрсатишича, Жомийдаги бу ҳикоя мазмунига монанд ҳикоя, И.С.Бригинскийнинг маълумотига қараганда, Фирдавсийнинг “Шоҳнома”да ҳам учрайди. Олим бундай ҳикоянинг Амир Хусрав Дехлавий ҳамда Навоийда мавжуд эмаслигини ҳам қайд этган [8, 456].

Булардан устоз А.П.Қаюмовнинг нафақат Навоий ёки Хожанинг Искандар ҳақидаги дoston ва ҳикоятлари ҳақида мушоҳадалар баён этгани, балки Низомий, Жомий ва бошқаларнинг шу мазмун доирасида битган битиклари хусусида бетакрор тадқиқотлар яратгани маълум бўлади. Бу эса А.П.Қаюмов илмда ўз “Искандарнома”сини яратгани ҳақиқат деган якуний хулосаларга олиб келади.

Адабиётлар

1. Қаюмов А. Садди Искандарий. -Т.: 1975, –Б.196.
2. Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1976.- Б.520.
3. Жалолов Т. Нафосат жилolari. – Т.: Адабиёт ва санъат нашр., 1972.- Б. 240.
4. Бертельс Е.Э. История персидско-таджикской литературы. – М.: Наука, 1960. – С.554.
5. Бертельс Е.Э. Избранные труды. Наваи и Джами. –М. Наука, 1965. – С.500.
6. Конрад Н.И. Запад и Восток (статьи). - М.: Главная редакция Восточной литературы, 1972. –С.496.
7. Қаюмов А.П. Асарлар. 10 жилдлик. 6-жилд. – Т.: Мумтоз сўз, 2010.-Б.418.
8. Бригинский И.С. Очерки из истории таджикской литературы. – Сталинобод, 1956.

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ “ФАРҲОД ВА ШИРИН” ДОСТОНИДА ФАРЗАНДСИЗЛИК МОТИВИ

**Ражабова Маърифат Бақоевна,
Бухоро давлат университети доценти,
филология фанлари номзоди**

Фарзандсизлик мотиви халқ оғзаки ижодида ҳам, мумтоз ва замонавий адабиёт намуналарида ҳам тез-тез кўзга ташланади. Туркий халқларда фарзандсизлик фожа сифатида қабул қилинган. Фарзандга инсон ҳаётининг давомчиси, ота-она орзусининг рўёбини амалга оширувчи шахс сифатида қаралган. Фарзандсизлик эса ота-онанинг нафақат орзу-умидларидан айрилиши, балки уларнинг бу дунёдан ном-нишонсиз кетишидир. Шунинг учун фарзандсизлик мотиви адабиётимиз тарихида узоқ тарихий йўлни босиб ўтган. Халқ мақолларидан тортиб дostonларигача, мумтоз адабиёт вакиллари асарларидан то замонавий ижодкорлар қаламида ҳам мазкур мотивга мурожаат қилинган.

Фарзандсизлик халқ дostonларининг деярли барчасида кўзга ташланади. Мазкур мотив дostonларда асар воқеаларини бошлаб берувчи асосий сюжет унсури ҳисобланади. Жумладан, туркий халқларнингмуаззам дostonи “Алпомиш” ҳам бевосита фарзандсизлик мотиви билан бошланади. Бойбўри ва Бойсарини тўйдаги гап-сўзлардан сўнг фарзанд тилаб қирқ кун илтижо қилишади. “Холбека” дostonида

ҳам шу анъана сақлангани кўришимиз мумкин: “Бир куни Буврахон подшо Шоир вазир, Тоҳир вазир билан ўтирган вақтида ўзининг ўғилсизлиги ёдига тушиб, ғамгин бўлиб, юраги дарддан тўлиб, Шоир вазир, Тоҳир вазирга боқиб бир сўз деб тургани:

*Икки вазир, кўзда ёшим кўринглар,
Доно эдим, бу дам ҳолим сўринглар!
Биздай шоҳдан ўғил фарзанд бўлмади,
Хонингизга бир маслахат беринглар!”*[3, 184].

Таъкидлаш керакки, халқ эртақ ва дostonларида давлат ва мамлакат эгалари ёки уларнинг вазирлари, лашкарбошилари каби шахсларнинг фарзандсизлиги тасвирланади. Халқ орасида катта обрў-эътиборга эга бўлган бундай кишиларни фарзандсизлик қийнайди. Ниҳоят, орзу-ниятлари амалга ошиб, фарзанд кўрадилар. Албатта, бундай тасвирдан кўзланган мақсад инсон қанчалик куч-қудратли бўлмасин, Яратган томонидан инъом этиладиган барча “аҳсонлар”га эга бўлиши фақат Унинг измида эканлигини эслатишдан иборатдир. “Алпомиш” дostonида Бойсари тилидан айтилган қуйидаги сўзлар ҳам фикримизни асослайди: “Тортиб олиб бўлмаса, ўғирлаб олиб бўлмаса, сотиб олиб бўлмаса, худо бизга бермаса, қаёқдан қиламиз тарадди?!” [1, 15].

Фольклор жанрларининг бефарзандлик мотиви билан бошланиши тингловчининг эътиборини тортиши билан бирга, тасвирланаётган воқеа-ҳодисаларнинг ҳаёт ҳақиқатига мослиги ва таъсирчанлигини таъминлайди. Олимларнинг таъкидлашича, фарзандсизлик мотиви дунё халқлари фольклорида мавжуд. Жумладан, бефарзанд подшоҳлар образи хиндларнинг милоддан аввал X-VIII асрларда яратилган “Махабхарата”, “Рамаяна” дostonлари сюжетида ҳам мавжуд¹. “Бамси Байрак”нинг шаҳодат беришича, бундай бошланманинг (фарзандсизлик мотивининг) классик формаси Ўрта Осиёда ўғуз эпосининг шаклланиш даврида, яъни X-XI асрларда вужудга келган².

Демак, фольклор асарларида сюжет ҳаракатини бошлаб берган фарзандсизлик мотиви ёзма адабиётда ҳам ўз хусусиятини сақлаб қолган. Шарқнинг буюк мутафаккири Абдурахмон Жомийнинг тасаввуфий ғоялар талқинига бағишланган “Соломон ва Абсол” дostonида ҳам “юнон элида энг қудратли бўлган подшоҳнинг фарзандсиз”лиги тасвирланади. Асардаги воқеа-ҳодисаларнинг ривожини халқ дostonларидаги тасвирга жуда яқин. Бироқ ҳажман унча катта бўлмаган мазкур дostonдаги барча образлар рамзий маъно ташийдими. Шоҳ – Илоҳ, Ҳаким – маънавий куч, Соломон–руҳ, Абсол–жисм. Асарда инсоннинг маънавий комилликка эришиши рамзий образларда тасвирланади. Асарда муаллиф фольклордаги фарзандсизлик мотивидан илоҳий-ирфоний ғоялар ифодаси учун маҳорат билан фойдалангани кўринади.

Улуғ шоир Алишер Навоий ўз асарларида ижтимоий-сиёсий, илоҳий-ирфоний, ахлоқий муаммоларини бадий талқинида ҳам мазкур мотивга мурожаат қилади. Ўз ижодий нияти ва услубига хос тасвирларни яратади.

¹. Три великих сказании Древней Индии. – М.: Наука, 1978. – С.24; Рамаяна. Қадимий хинд эпоси. – Т.: 1978. – Б. 24.

². Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос.- М., 1947. -С.. 319.

“Фарҳод ва Ширин” достонининг асосий сюжети Хоқоннинг фарзандсизлиги мотиви билан бошланади. Достоннинг XII бобида Хоқоннинг фарзанд тилаши ва бу тилакни амалга ошишидан унинг қалбида туғилган оталик ҳисларининг бадиий талқинига ўрин берилади.

Халқ достонларида бойлигининг ҳисоби, давлатининг чегараси бўлмаган подшоҳларнинг фарзандсизликдан азият чекиши билан боғлиқ тасвирлар А. Навоий достонида ҳам ўзига хос тарзда бадиий ифодаланганини кўришимиз мумкин:

*Шаҳе эрди муаззам хонионинг
Дема хонионинг, хоқонионинг.
Ики оламча мулки вусъат ичра,
Ети гардунча тахти рифъат ичра,
Сипоҳи ер юзида қум ҳисоби,
Не қум, гардун уза анжум ҳисоби [2,61].*

Чин мулкининг шоҳи шундай улуғ хон эдики, уни хон эмас, хоқон деб атаса ҳам бўлаверади. Мулкининг кенглиги икки оламча, тахтининг юксаклиги эса етти осмонча эди. Қўшини ер юзидаги қумлардан, балки осмондаги юлдузлардан ҳам кўп эди.

Хоқоннинг тожи куёш инжуси билан безанган бўлсада, унинг бошқа бир дурга эҳтиёжи бор эди. Яъни у фарзандга муҳтож эди. А.Навоий хоқоннинг фарзандсизлиги фожиасини унинг тилидан айтилган қуйидаги байтда гўзал ташбеҳлар билан беради:

*Мен ўлдум ул тенгизким гавҳари йўқ,
Ва ё ул ўтки онинг ахгари йўқ [2,64].*

Хоқоннинг фарзандсизлигидан қайғуриб айтган ички монологда нафақат унинг фарзандсизлик туфайли чеккан азиятлари, балки унинг оламнинг ўткинчилиги, минг йил подшоҳлик қилган ҳам бир куни йўқлик оламига кетиши, бунда эса тахти мартабасининг улуғлиги кўкка етган шоҳ ҳам, “тахта кигизни бош пана қилган” гадо ҳам бир эканлиги ҳақидаги фикрлари бевосита А. Навоий фалсафий қарашларининг ўзагини ташкил қилади.

Умидсизлик ҳар қандай мақсаднинг йўлини тўсади. Хоқон эса умидсизланмайди. Яратганга илтижо қилиб:

*Ўғулсизлигдин ўлди бу шиканжим
Ки Ҳақ дафъ айлағай бу дарду ранжим.
Бу қаттиғ вартада илгимни тутқай,
Кўзумни бир халаф бирла ёрутқай, -деб илтижо қилади.*

Хоқон тилидан айтилган юқоридаги байтда фарзанд кўриш Тангрининг инояти эканлиги таъкидланган ва Унинг марҳаматидан умидворлик туйғулари уфуриб турибди.

Халқ достонларида фарзанд кўриш учун назр-ниёзлар қилиш, қирқ кун равзаларда тунаш каби турли урф-одатлар шаклланган. А. Навоий ҳам халқда шаклланган ана шу урф-одатларга достонда ишоралар қилиб ўтади:

*Бу мақсуди учун сочиб дирамлар,
Қилиб кўп назрлар, айлаб карамлар.
Ўғулсизларни ҳам айлаб наволиқ,*

*Атосизларга ҳам айлаб атолик.
Булардин барча кому муддаоси
Буким, бўлғай бир ўғулнинг атоси [2,65].*

Шу мақсадда у кўп пуллар сочиб, кўп назрлар қилиб, саховатлар кўрсатар эди. Ўғилсизларнинг кўнглини овлади, отасизлага оталик қиларди. Буларнинг ҳаммасидан унинг мақсад ва муддаоси битта: бир ўғилга ота бўлиш. Ниҳоят унинг дуоси ижобат бўлди:

*Шабистонида тугди бир янги ой,
Янги ой йўқки, меҳри оламорой.*

Хоқон муродига етди. Унга Яратган фарзанд ато қилди. Шоир унинг ҳолатни биргина байтда шундай тасвирлайди:

*Ато ул дурға чун наззора қилди,
Садафдек оғзи кулмакдин ёйилди.*

Астойдил қилинган ниятнинг ижобатидан Хоқон қалбида жўш урган қувонч ҳислари халқнинг хурсандчилигига сабаб бўлади:

*Сочибонча жавоҳир олам ичра
Ки, андин баҳру кон қолиб ғам ичра.
Ясаб кишварни ойин бирла борча,
Бу ойин тухфаи Чин бирла борча.*

Хоқон шундай эҳсонлар қилдики, бутун мамлакат бўйлаб базмлар уюштирилди, халққа эҳсонлар берилди:

*Халойиқ ҳарне қилса тергамак йўқ
Не қилгонни ёмон қилдинг демак йўқ.*

Достон бошидаги фарзандсизлик мотиви энди болага исм бериш, уни асраш, тарбиялаш мотиви билан алмашинади. Туркий халқларда фарзандга исм беришга алоҳида эътибор қаратилган. Хоқон ҳам фарзандига исм қўйиш, тарбиялаш ва илму ҳунар ўргатиш каби оталик вазифаларига алоҳида эътибор қаратади.

*Жамолидин кўрунғач фарри шоҳи,
Бу фардин ёруди маҳ то ба моҳи.
Бу фарни ҳодийи бахт этгач иршод,
Равон шаҳзода отин қўйди Фарҳод [2,69].*

Демак, фарзандсизлик мотиви тадрижий такомиллаша бориб, индивидуал шахслар характери билан белгиловчи, уларнинг руҳий ҳолатини очиб берувчи воситага айланган [4,80]. Асарда фарзандсизлик мотиви орқали Хоқон образида адолатли ҳукмдор, меҳрибор ота, фарзанд тарбиясига масъулият билан қаровчи шахс ва шу каби қатор фазилатлар намоён бўлади. Шу билан бирга, “Фарзандсизлик мавзуи орқали достон воқеаларидаги драматизм кўзга ташлана боради. Обрў ва давлат фарзандсизлик ва ёлғизлик ўртасидаги қарама-қаршиликда турмуш диалектикаси акс этади. Бу эса достон бадиий матосининг пишиқлигидан бир нишонадир”[5,13].

Хулоса қилиб айтганда, А. Навоий давр воқелигини бадиий талқин қилишда, адолат, тенглик, инсонпарварлик қарашларни тасвирлашда, комил инсон ғояси каби қатор масалаларни тарғиб қилишда халқ оғзаки ижодида шаклланган фарзандсизлик мотивидан маҳорат билан фойдаланади.

Адабиётлар:

1. Алпомиш. – Т.: “Шарқ” нашриёти –матбаа концерн бош тахририяти, 1998.
2. Навоий Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. XX жилдлик. VIII жилд. Фарҳод ва Ширин. – Т.: Фан, 1991.
3. Холбека. Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари. 100 жилдлик, IX жилд. – Т.: Ғ. Ғулом номидаги нашриёти –матбаа концерн бош тахририяти, 2016.
4. Қаямов А. Фарзандсизлик мотиви ва миллий характер. Илмий хабарнома. 2018. 2-сон.
5. Қаямов А. Асарлар 1-жилд, 2-китоб. -Т.: “Мумтоз сўз”, 2008.

Миллий уйғониш даври ўзбек шеъриятида муҳтожлик муаммолари талқини

(Водийлик шоирлар ижоди мисолида)

Ойбек Барзиев,

ФарДУ академик лицейи ўқитувчиси,
Филология фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

Ўзбек адабиёти тарихида ҳар бир давр шоири ўзи яшаб ўтган адабий муҳитга муносабатини билдириб, уни ёритишга интилан. Бундай муносабат орқали даврнинг оғрикли муаммолари очиб берилган, натижада муайян поэтик кашфиётлар майдонга келган. Академик Наим Каримов ижодкор дунёқарашининг шаклланиши хусусида тўхталиб, “...ҳар бир ижодкор тарихий шароит ва адабий муҳит билан нафас олади. Муҳит ҳарорати қанчалик паст бўлса, ижодкор парвози ҳам шунчалик еркучар, қанчалик баланд бўлса, шунчалик осмонўпар бўлади”¹, дея тўғри таъкидлаган.

Миллий уйғониш даври ўзбек адабиётининг вакиллари ижодида турмушдан нолиш, моддий муҳтожлик муаммоларига мурожаат қилиш ва уларнинг ечимини топишга ҳаракат қилиш каби масалалар етакчи хусусият касб этади. Шоир бу каби муаммоларнинг ёритиш орқали ўз даврида илдиз отган айрим иллатларга барҳам бергандек бўлган. Ўзининг ижодида турмушдаги муҳтожлик муаммоларининг ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан талқин қилишга интилан водийлик шоирлар: Алиохун Муллаохун ўғли Оразий, мулла Ҳошим Солих ўғли Ҳайратий, Дилшоди Барно, Исҳоқхон Иброт, Завқий кабилар шеърятда муайян ижодий муштаракликка эга. Сабаби улар бир адабий даврада камол топди ҳамда лирик асарларида айнан бир ғоявий мазмунни илгари сурди. Масалан: Оразийнинг “Пул эмасми?” радифли мухаммаси, Ҳайратийнинг ҳажвиялари, Дилшоди Барнонинг “Бер” радифли ғазали, Исҳоқхон Ибротнинг “Қарз” радифли мусаддаси, Завқийнинг “Уй пули”, “Золим пули” ғазалларида ифодаланган муҳтожлик масалалари жамиятнинг маънавий инқирозга юз тутиб бораётганлигидан хабар

¹ Каримов Н. Истиқлолни уйғотган шоир. – Тошкент: Маънавият, 2000. – Б. 15.

12.	Ijobat Jo'rayeva , Xalqaro Toshkent Vestminster universiteti o'qituvchisi. "Яппи" в американской литературе.	63
13.	Abdunabi To'ychiyev , GulDU, tayanch doktorant. Norbo'taning tubsiz osmoni.	65
14.	Javlonbek Jovliyev , O'zbekiston Fanlar Akademiyasi Alisher Navoiy nomidagi Davlat Adabiyot muzeyi, tayanch doktorant. Shayxzoda – mumtoz adabiyotimiz bilimdoni.	69
15.	Ijobat Saymuratova , GulDU, katta o'qituvchi. Badiiy adabiyotda Sizif talqini.	72
16.	Tojixon Toshboltayeva , QDPI, katta o'qituvchi. Ilohiy so'z sehri.	77
17.	Muqaddas Saidakbarova , QDPI, o'qituvchi, Zuhraxon A'zamova , talaba. "O'lar holin Navoiy ayladi nazm..."	81
18.	Roziyaxon Xoboxunova , AnDU, katta o'qituvchi. Qo'qon adabiy muhiti Aziz Qayumov talqinida	84
19.	Umida Yuldosheva , GulDU, magistrant. Ma'rifatli xonadon farzandi	86
20.	Nafisa Karimova , TDO'TAU, magistrant. Tog'ay Murod ijod jarayoni haqida.	89
21.	Shahnoza Azimjonova , Muhammad Yusuf nomidagi ijod maktabi, o'qituvchi. "Tazkirayi Qayyumiy" va Toshkent adabiy muhiti.	91

2-sho'ba

"Adabiy matn tahlili va talqini masalalari"

1.	Mo'minjon Siddiqov , QDPI, filologiya fanlari nomzodi, dotsent. Aziz Qayumovning "Iskandarnoma"si.	94
2.	Ma'rifat Rajabova , BuxDU, filologiya fanlari nomzodi, dotsent. Alisher Navoiyning "Farhod va Shirin" dostonida farzandliksiz motivi.	98
3.	Oybek Barziyev , FarDU, filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD). Milliy uyg'onish davri o'zbek she'riyatida muhtojlik muammolari talqini (Vodiylik shoirlar ijodi misolida).	102
4.	Ma'mura Rashidova , Alisher Navoiy nomidagi Davlat adabiyot muzeyi, katta ilmiy xodim, filologiya fanlari nomzodi. Akademik Azizxon Qayumovning "Nizomiy "Xamsa"si talqini" asari xususida.	107
5.	Shahlo Xojiyeva , O'MU, filologiya fanlari nomzodi. Alisher Navoiyning "Sab'ai sayyor" dostoni akademik Aziz Qayumov talqinida.	110
6.	Obodon Adizova , BuxDU, filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent. Qo'qon adabiy muhiti tadqiqi Aziz Qayumov talqinida.	113
7.	Durdona Zohidova , QDPI, filologiya fanlari nomzodi, dotsent. G'aribiy va Charxiy.	119
8.	Barno Abdurahmonova , QDPI, pedagogika fanlari nomzodi, dotsent. Ijoddagi mushtaraklik.	122
9.	Barno Abdurahmonova , QDPI, pedagogika fanlari nomzodi, dotsent, Abdulaziz Qodirov , talaba. Tashbeh – o'xshatish san'ati.	123